

УДК 338.48

Эштаев Алишер Абдуғаниевич

Ўзбекистон Республикаси туризм

ва маданий мерос вазирлиги

бошқарма бошлиғи, и.ф.д. (DSc)

E-mail:aa_eshtaev72mail.ru

Маткаримов Жаҳонгир Шамуродович

Илмий тадқиқотчи

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида туризмнинг ҳозирги ҳолати, унга таъсир қилувчи омиллар, мамлакатимизда туризм борасида яратилаётган имкониятлар ва соҳага доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили, шунингдек соҳани ривожлантириш истиқболлари батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: Туризм, ички туризм, зиёрат туризм, зиёрат одоби, туризм хизматларининг экспорти, туризм бозори, туризм инфратузилмаси, туризм зоналари, туризм кластерлари, туроператорлар, жойлаштириш хизматлари, турагентлар, туризмда маркетинг стратегияси, оилавий саёҳат таътили.

Abstract: The article describes in detail the current state of tourism in the Republic of Uzbekistan, the factors affecting it, the opportunities created in the country in the field of tourism and the analysis of regulatory documents, as well as prospects for industry development.

Key words:

Tourism, domestic tourism, pilgrimage tourism, pilgrimage etiquette, export of tourism services, tourism market, tourism infrastructure, tourism zones, tourism clusters, tour operators, accommodation services, travel agents, marketing strategy in tourism, family travel vacation.

Кириш

Туризм соҳаси 2019 йилнинг охири ва 2020 йилнинг бошида юзага келган COVID-19 пандемиясигача бўлган даврда жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланиб бораётган, энг сердаромад соҳаларидан бир эди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам соҳани ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, ҳудудларда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Туризм бозорининг жозибадорлиги, рақобатбардошлиги ҳамда туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, мамлакатимизнинг туризм учун хавфсиз ҳудуд сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон туризм бозоридаги инқироздан чиқиб кетишнинг асосий йўналишларида туристик хизматлар рақобатбардошлигини ошириш, инфратузилмани такомиллаштириш, туризмда инновацион технологияларни қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Жаҳон туризм бозорида барча давлатлар ўзи учун қулай бўлган туризм йўналишини, яъни бозорда мавқеини эгаллашга, хизматлар кўрсатишнинг ҳар томонлама қулай бўлган йўналишларини танлашга ҳаракат қилади. Туризм бозорида ҳозирги пандемиянинг таъсирларини, аҳолининг имкониятларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш ҳар томонлама қулай ҳисобланади. Соҳа мутахассислари, масъул

ташкilotлар, олимлар, иқтисодчилар, таҳлилчилар, оммавий ахборот ҳамда ижтимоий тармоқ вакиллари томонидан ички ва зиёрат туризмнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини ўрганиш, таҳлил қилиш, таклифлар бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Туризм соҳасининг мазмун-моҳияти ва уни ривожлантириш масалалари кўпгина хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганилган, унга турли фикрлар билдирилган. Хусусан, Россиялик олимлардан А.Романов туризм соҳасининг куйидаги хусусиятларини таъкидлаб ўтади, улар: одамнинг меҳнатдан бўш бўлган вақтидаги ўз ҳоҳишига кўра дам олиш тарзи; мазкур яшаш тарзи унинг яшаш жойининг туб ўзгариши ҳисобига эмас, балки вақтинчалик яшаш жойига ўзгартирилиши ҳисобига бўлиши; мана шу муваққат яшаш жойида унинг дам олиши учун барча унга зарур бўлган хизматларнинг ташкил қилиниши ва кўрсатилишидир¹.

И.Т.Балабанов ва А.Т.Балабановлар билдирган фикрга асосан, туризмни аввало товарга қиёс қилишади, ҳар қандай товар бўлгани каби уни реализация қилиш шарт-шароитлари, талаблари, мақсадлари, сотиш имкониятлари бўлиши лозимлигини айтишади. Олимлар туризмни замонавий инсон эҳтиёжлари учун энг бирламчи товарлар каторига киритишади².

Е.Л. Писаревскийнинг “Государственное и муниципальное управление в сфере туризма” номли дарслигида Россия ва бошқа жаҳон мамлакатларида туризм соҳасида давлат ва шаҳар ҳокимиятининг шаклланиши, бугунги ҳолати ва ривожланиш истикболлари тўғрисидаги тизимли билимларни тақдим этган. Шунингдек, ушбу адабиётда туризм соҳасида давлат бошқарувининг амалдаги халқаро ва энг самарали хорижий тажрибасига алоҳида эътибор қаратилган³.

М.Т.Алиева ўзининг илмий тадқиқот ишида туризм тушунчасига куйидагича таъриф берган: “Туризм – кишилар ўзларининг доимий турар- жойларидан бирон бир мамлакатга вақтинчалик ёки ўз мамлакатини ҳудудидан бошқа бирон бир жойга бўш вақтида роҳатланиш ва хордиқ чиқариш, соғлигини мустаҳкамлаш, танишиш ёки касбий-ишбилармонлик мақсадларида, лекин, етиб келган жойида ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан банд бўлмаган ҳолда вақтинча жойлашиши демакдир. Бинобарин, туризм – кишиларнинг доимий ёки узоқ муддатли турар жойи ҳисобланмайдиган ва уларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган жойларга сафарига тааллуқли муносабатлар, алоқа ва ҳодисалар йиғиндиси ҳисобланади⁴.

Ўзбек олимаси Машҳура Алимованинг фикрига кўра, туризм – бу, элементлари ўзаро полииерархик алоқалар ва муносабатлар тизими орқали боғланган, пировард натижаларга эришишда бевосита ташриф буюрувчиларнинг иштироки билан тавсифланадиган, тармоқлараро мажмуанинг кўп қиррали функционал тузилмаси негизида шаклланадиган ҳамда ташқи муҳит ўзгаришига юқори таъсирчанликка эга очик мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимдир. Туризм бозори – бу, туристик маҳсулотларни сотувчилар (таклиф) ва сотиб олувчилар (талаб) ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳамда туристик маҳсулотларга талаб ва

¹ Романов А.А., Саакянц Р.Г. География туризма. Учебное пособие. 3-е издание. 2004. 842 с.

² Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2011. - 116с.

³ Основы туризма: учебник/под. редакцией Е.Л. Писарева— М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. — 384 с.

⁴ Алиева М.Т. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Иқтисод фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати – Самарқанд, 2019. - 78 б.

таклифни бевосита тартибга солувчи иқтисодий механизмларни ўз ичига олувчи мураккаб тизимдир¹.

Тадқиқот методологияси

Мақолада туризм бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий ишлари ва ўқув адабиётлари таҳлил қилинди. Тадқиқот методологияси сифатида назарий таҳлил ва кузатиш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO)нинг маълумотига кўра, 2019 йилгача бўлган сўнгги ўн йил давомида туризм соҳаси барқарор ривожланишни намойён этган, хусусан мазкур йилда соҳани ривожланиши Яқин Шарқда 8 фоиз, Осиё ва Тинч океани минтақасида 5 фоиз, Европа ва Африка қитъаларида 4 фоиз ва Америка минтақасида 2 фоиз ўсиш кўрсаткичига эга бўлиб, туристик ташрифлар сони 1,462 млн.дан ортиқ кишини ташкил этди. Ушбу даврда дунёдаги ҳар тўртинчи янги иш ўрни саёҳат ва туризм соҳасида яратилган, барча иш ўринларининг 10,6 фоизи (334 млн киши) ва жаҳон ЯИМнинг 10,4 фоизи (9,2 трлн доллар) туризмга тўғри келган.

Аммо 2019 йилнинг охири ва 2020 йилнинг бошида юзага келган COVID-19 пандемияси таъсирида иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби туризм ҳам чуқур инкирозни бошидан кечирди. Хусусан, “2020 йилда туристлар сони 364,3 млн.кишини ташкил этиб, олдинги йилга нисбатан 74 фоизга камайган²”лигига гувоҳ бўлиш мумкин.

2020 йилда туризм соҳаси қарийб 4,5 трлн. доллар йўқотди, жаҳон ЯИМдаги улуши 49,1 фоизга камайди. Шунингдек, 62 млн. иш ўрни йўқотилди.

Жаҳондаги барча давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам коронавирус пандемияси туризм соҳасига жиддий таъсир кўрсатди ва соҳанинг мақсадли кўрсаткичларига салбий таъсир қилди. 2020 йилда мамлакатимизга **7 миллион нафардан** ортиқ хорижий сайёҳлар ташрифи кутилган бўлсада, бироқ, уларнинг сони **1,5 миллион** нафардан ошмади. Туризм хизматлари экспорти **261 миллион** АҚШ долларига тушиб кетди. Туризм ва унга ёндош соҳалардаги тадбиркорлик субъектлари **молиявий жиҳатдан қийинчиликларга** дуч келди.

Соҳага пандемиянинг таъсирини камайтириш, қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги улушини кўпайтириш, хизматларни диверсификациялаш ва сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармони[1] билан тасдиқланган “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси” қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 28 майдаги қабул қилинган ПФ-6002-сон Фармонига асосан туризм соҳасининг субъектларига тақдим этиладиган фоизсиз субсидия, компенсация ва фоизсиз ссудалар учун бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган маблағлар ҳамда Жамғармага Молия

¹ Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари// Монография. – Тошкент: Иқтисод, 2015 - 300 б.

² https://tourlib.net/wto/UNWTO_Barometr_2021_01.pdf

вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг маблағлари ҳисобот йилида фойдаланилмаганда олиб қўйилмайди ва кейинчалик туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги жамғармалар маблағларидан фойдаланиш учун белгиланган тартибда ва мақсадларда фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 июндаги ПҚ-4755-сон қарорига мувофиқ Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида Хавфсиз туризм жамғармаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлда 433-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистондаги статистик маълумотларга назар соладиган бўлсак, 2021 йил давомида мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 1,9 млн.нафарга етиб, туристик хизматлар экспорти 422,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди. 15,0 млн. маҳаллий аҳоли шундан, аёллар дафтарига киритилган 124,4 минг нафар аёллар саёҳати ташкил этилди.

Худудларда 133 та янги меҳмонхона ва 210 та хостеллар фаолияти йўлга қўйилиб, жами жойлаштириш воситалари сони 1 442 тага етказилди. 1 096 та оилавий меҳмон уйлари ташкил қилиниб, уларнинг умумий сони 2 458 тага етди. Туристлар учун хизмат кўрсатувчи 137 та янги туристик ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилиши натижасида уларнинг сони 1 483 тага етказилди. Туристлик объектларда интернет тармоғига уланиш учун жорий йилда 702 та Wi-Fi нуқталари ташкил этилиб, уларнинг сони республика бўйича 3 450 тани ташкил этди.

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш харажатларининг бир қисmini қоплаш бўйича 52 нафар тадбиркорларга 451,6 млн. сўм миқдоридаги субсидия маблағлари ажратилди.

Республикамызда соҳани ривожлантириш борасида бир қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, халқаро туризм доирасида қўшни давлатларнинг ОАВ вакиллари ва туристик ташкилотлари учун мамлакатнинг чегарадош вилоятларида инфо турлар уюштириш, қўшни давлатларнинг ўз тилларида тарғибот материалларини тайёрлаб, уларнинг ҳудудида жойлаштириш, қўшни мамлакатлар учун мамлакатимизда “Туризм ойликлари”ни ташкил этиш чоралари кўрилади.

Хорижий давлатларда тарғибот лойиҳаларини олиб бориш учун дастлаб мақсадли бозорларда маркетинг тадқиқотлари олиб борилади. Ўрганишлар натижасида, мақсадли давлатларга мўлжалланган маркетинг концепцияси ишлаб чиқилади ва тарғибот ишлари ташкил қилинади.

Бутун жаҳон туризм ташкилоти – UNWTO доирасида Европа минтақавий комиссиясига кирувчи давлатлар билан туризм соҳасида алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро аҳамиятга эга тадбирларни Ўзбекистонда мунтазам ўтказиб бориш режалаштирилган. Жумладан, 2023 йилда UNWTO Бош Ассамблеяси XXV сессиясини Самарқанд шаҳрида ўтказиш бўйича Ўзбекистон номзодлигини илгари суриш юзасидан тегишли ташкилий ишлар олиб борилди ва ушбу сессия Самарқанд шаҳрида ўтказилиши белгиланди.

Соҳага доир халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш мақсадида UNWTO туризм тез ривожланаётган мамлакатлар рўйхати рейтингида 2019 йилдаги 4-ўриндан 2026 йилда 3-ўринга эришиш, сайёҳлар учун хавфсиз мамлакатлар рейтинги (180 мамлакатлар орасида) 2020 йилдаги 46-ўриндан 2026 йилда 20 та энг

хавфсиз мамлакатлар рўйхатига кириш, Solo Travel Safety Report рейтингда ёлғиз саёхат қилувчи туристлар учун хавфсиз мамлакат рейтинг 2019 йилдаги 80-ўриндан 2026 йилда камида 50 ўринга эришиш, Global Muslim Travel Index ҳалол туризм рейтинг 2020 йилдаги 7-ўриндан 2026 йилда 3-ўринга эришиш, Саёхат ва туризмнинг рақобатбардошлиги индексида Ўзбекистонни 2026 йили биринчи 50 таликка киритиш мақсад қилинган.

Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантириш ҳар томонлама қулай бўлганлиги сабабли, соҳани ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Соҳа мутахассислари, масъул ташкилотлар, олимлар, иқтисодчилар, таҳлилчилар, оммавий ахборот ҳамда ижтимоий тармоқ вакиллари томонидан ички туризмнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини ўрганиш, таҳлил қилиш, тақлифлар бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан 2021 йил 9 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг ижросини таъминлаш алоҳида эътибор талаб этади.

Хусусан, ички туризмни рағбатлантириш мақсадида **“Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!”** дастури жадаллаштирилиб, **“Ички туризм ойлиги”**, **“Ички туризм ҳафталиги”**, **“Ички туризм кунлари”** ташкиллаштирилмоқда, **“оилавий саёхат таътили”** тизими орқали ташкилотларда фаолият олиб бораётган ходимлар саёхати ташкил қилиниб, авиа ва темирйўл чипталари **40 фоиз**гача субсидияланади.

Саёхатни оммалаштириш ва саёхат қилишга қулайлик яратиш мақсадида **5 та расмий байрам кунларини** (*Мустақиллик куни, Наврўз умумхалқ байрами, Янги йил байрами ҳамда Рамазон ҳайит (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон ҳайит (Ийд ал-Адҳа) байрамлари*)) нишонлаш даврида **қўшимча ишланмайдиган кунлар 3 кундан** кам бўлмаган муддатга белгиланди.

Шаҳарлараро ҳаракатланувчи транспорт воситаларида тизимли равишда мамлакатнинг ёшлар, зиёрат, гастрономик, экстремал, маданий-кўнгилочар, эко, агро, спорт туризми ва бошқа турларига доир салоҳиятини тарғиб қилувчи тарқатма материаллар (буклет, брошюра ва бошқа) жойлаштирилмоқда. Ҳар бир ҳудуднинг алоҳида ўзига хослик хусусиятидан келиб чиқиб, кенг тарғиб қилувчи тарғибот материаллари яратилиб, оммалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелда қабул қилинган “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №232 қарорига [3] асосан бир қатор қулайликлар қабул қилинди. Жумладан, ҳар бир туристга саёхат харажатларини, яъни авиақатнов, темир йўлда ёки автобусда бориб-келиш чиптаси нархининг 15 фоизи, жойлаштириш воситасида тунаб қолиш харажати 15 фоизи ва театр, музей, цирк ва бадиий галереяларга ташриф чиптаси нархининг 50 фоизи миқдорда қайтарилиши, Фарғона ва Самарқанд, Фарғона ва Бухоро, Фарғона ва Термез ҳамда Фарғона ва Урганч шаҳарлари орасида авиақатновларни қайта йўлга қўйиш масалалари белгиланди.

Хулоса ва тақлифлар

Қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан биргаликда соҳани инқироз давригача бўлган даражага етказиш ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида бир қатор ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

хусусан, а) туристик ва турдош инфратузилмаларни ривожлантиришни давом эттириш, барқарор туризмни таъминлашнинг асосий шартларидан бири туризм зоналари ва кластерларини ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини қайта ташкил этиш

(бошқариш, режалаштириш, туризм зоналарини лойиҳалаштириш, инвестицияларни жалб қилиш ва ҳ.к.з.);

б) пандемия шароитида туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг устувор ва долзарб йўналишларидан бири янги маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, бунда Ўзбекистон бўйлаб хавфсиз саёҳат қилиш, асосий элементлардан бири бўлиши лозим;

в) ҳудудларнинг туризм имкониятларини инобатга олиб, минтақавий турмаҳсулот ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви асосида туристик хизматларни диверсификация қилиш;

г) Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган мутахассислар, туризм соҳаси вакиллари, туризм агенти, йўриқчи-йўлбошловчи ва гид (гид-таржимон)лар томонидан зиёрат одобига риоя қилган ҳолда фаолият олиб бориши, тарихий маълумотларни тўғри талқин қилиши;

д) туристларни кенг жалб қилиб бориш мақсадида халқаро ва ички бозорни мутассил таҳлил қилиш, фаол тарғибот ва реклама ишларини олиб бориш;

е) туризм соҳасида кадрлар етишмаслиги ва уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида, туризм соҳасида кадрлар тайёрлайдиган давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг сонини ошириш, таълимнинг халқаро стандартларини тадбиқ этиш ва халқаро мутахассисларни жалб қилиш, амалий ва назарий дарсларнинг нисбатини кўриб чиқиш, амалиёт билан интеграцияни кенг йўлга қўйиш талаб қилинади.

Умуман олганда юқоридаги ишларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда туризмни нафақат ички ва зиёрат турларини балки бошқа турларини ривожлантириш, жаҳон туризм бозорида ўз мавқеини тиклашга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-232-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 09 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармони.

4. Романов А.А., Саакянц Р.Г. География туризма. Учебное пособие. 3-е издание. 2004. 842 с.

5. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2011. - 116с.

6. Основы туризма: учебник/под. редакцией Е.Л. Писаревского— М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. — 384 с.

7. Алиева М.Т. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Иқтисод фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати — Самарқанд, 2019. - 78 б.

8. Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари// Монография. – Тошкент: Иқтисод, 2015 - 300 б.